

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РОЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1024-1030>

Юлдошева Гулноза Абдинабиевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Корпоратив иқтисодиёт ва бизнес таҳлил” кафедраси катта ўқитувчиси

gulnozopa0705@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Халқаро иқтисодий интеграцияниң ривожланиши, янги интеграция гурухларининг пайдо бўлиши илмий ва технологик тараққиёт шароитида иқтисодий фаолиятнинг байналминаллашуви натижасидир. Бугунги кунда халқаро рақобатнинг кескинлашуви мамлакатларни рақобатбардош устунликларини кенгайтириши учун қўшимча имкониятлар излашга мажбур қўймоқда. Халқаро иқтисодий интеграцияниң ривожлантириши давлатларнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлигининг ошишига, тизимли инқирозлар хавфининг ошишига ва шунга мувофиқ инқирозли вазиятларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этишининг кўп томонлама механизmlарини яратиш зарурлигига ва бунда акционерлик жамиятларининг ролини аниқ кўрсатиб беришга олиб келади.

Калит сўзлар: иқтисодий интеграция, корхона, иқтисодий алоҳа, тизимли инқироз, молия, статистика.

АННОТАЦИЯ

Развитие международной экономической интеграции, появление новых интеграционных группировок является результатом интернационализации экономической деятельности в условиях научно-технического развития. Сегодня ужесточение международной конкуренции вынуждает страны искать дополнительные возможности для расширения своих конкурентных преимуществ. Развитие международной экономической интеграции приводит к усилению экономической взаимозависимости государств, увеличению риска системных кризисов и, соответственно, необходимости создания многосторонних рамок для предотвращения и ликвидации кризисных ситуаций, а также четкой демонстрации роли акционерных обществ в этом.

Ключевые слова: экономическая интеграция, предприятие, экономические коммуникации, системный кризис, финансы, статистика.

ABSTRACT

The development of international economic integration, the emergence of new integration groupings is the result of the internationalization of economic activity in the context of scientific and technological development. Today, the tightening of international competition forces countries to look for additional opportunities to expand their competitive advantages. The development of international economic integration leads to an increase in the economic interdependence of States, an increase in the risk of systemic crises and, accordingly, the need to create a multilateral framework for the prevention and elimination of crisis situations, as well as a clear demonstration of the role of joint-stock companies in this.

Keywords: *economic integration, enterprise, economic communications, systemic crisis, finance, statistics.*

КИРИШ

Интеграция (лат. integratio — тиклаш, тўлдириш, integer — бутун сўзидан) сўзи она тилимизда системанинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб борувчи жараёнини фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни ифодалайдиган тушунча сифатида ишлатилади. Иқтисодий интеграция эса турли корхона ва тармоқларнинг, шунингдек, мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, мамлакатлараро ягона умумий хўжаликнинг шаклланиши жараёнига айтилади[1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон иқтисодий интеграцияси фаолиятини ташкил этиш механизми бўлиб, унда турли мамлакатлардаги корхоналар нафақат ички бозорда, балки халқаро миқёсда сотиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Халқаро меҳнат тақсимоти муайян давлат ҳудудида муайян ресурсларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Масалан, темир рудаси захиралари бўлмаса, мамлакатда металлургияни ривожлантириш мумкин эмас, агар ипак қурти боқишининг имкони бўлмаса, ипак маҳсулотлари ишлабчиқарилмайди. Биламизки, бир давлатга асал, иккинчисига пахта керак. Умуман олганда, бунда товарлар, хизматлар ва молиявий халқаро муносабатлар ўрнатилади, ҳамда халқаро ҳамжамият иштирокчиларига турли афзалликларни, жумладан ишлаб чиқариш учун табиий, саноат ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлган товарларни

ишлиб чиқаришга эътибор қаратиш қобилиягини, уларга бўлган эҳтиёжни нафақат ички, балки ташки бозорда қоплашга қодир бўлган товар ҳажмини ишлиб чиқаришни, ишлиб чиқариш моддий ва молиявий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган товарларни ишлиб чиқаришдан воз кечиш имкониятини беради. Масалан, "Х" мамлакат, ўзи, автомобиль ишлиб чиқариши мумкин, аммо бу керак эмас, чунки шерик мамлакатдан сотиб олиш ўз ҳудудида ишлиб чиқарилганидан анча арzon тушади. Бунинг натижасида айrim маҳсулотлар эмас, балки деталлар ҳам ихтисослашган корхона ва тармоқларда ишлиб чиқарилади ва корхона ва тармоқлар ўзаро яқин ва муентазам иқтисодий боғлиқлик юзага келади.

Натижада, корхоналар ўртасида иқтисодий интеграция юз беради ва уларнинг сўнг иқтисодий интеграция тармоқлараро миқёсда юз бериб, йирик ишлиб чиқариш мажмуалари пайдо бўлиб, бу жараёнга турли мамлакатлардаги корхона ва тармоқлар қатнаша боради, бинобарин, мамлакатлараро иқтисодий интеграция юзага келади, бунинг натижасида мамлакатлар иқтисодиётида ихтисослашиш юз беради ва мамлакатлар бир-бирларига маҳсулотлар ва хизматлар етказиб беради.

Собиқ иттифоқ парчаланиши натижасида иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг марказлашган тизими, иттифоқ таркибидаги давлатлар ўртасидаги товар ва пул муомаласи тизими бекор бўлиши натижасида Ўзбекистон нафақат собиқ совет республикалари олдида анъанавий истеъмолчилар ва етказиб берувчиларни йўқотди. Саноат корхоналари, завод ва фабрикалар фаолияти издан чиқди ва баъзи жойларда бутунлай тўхтатилди, энергетика инфратузилмаси ва сув хўжалигини бошқариш тизими қулай бошлади, қишлоқ хўжалиги сектори ва умуман мамлакатнинг қишлоқ аҳолиси жуда ёмон азоб чекишиди, аҳолининг барча қатламларининг ижтимоий таъминоти кескин камайди. Бу ҳақда мамлакатимизнинг биринчи президенти ўзининг биринчи хитобида 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифоқ қўлида бўлгани, Собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб бергани, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетилиши, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа ҳалқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва ҳалқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келиниши, биргина мисол кўринишида Собиқ Иттифоқ Канада ва Америкадан ҳар йили 40 - 50 миллион тонна ғалла сотиб олиб, шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берганлиги, Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин мамлакат йиллик эҳтиёжига етарли 6

миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон – саргардон бўлганлигини очик сўзлаб, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида бўлганлигимиз айни ҳақиқатлигини таъкидлайди.

Глобал тизимли иқтисодий инқироз нафақат ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келди, у ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Ғарб тадбиркорлари томонидан дунёнинг алоҳида минтақалари ўртасида мавжуд бўлган фарқлардан фойдаланиш, акциядорлик жамиятлари инвестициялар ва товар оқимларини фаоллаштиришни бизнесга айлантириши, уларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш, тартибга солиш механизмларининг йўқлиги, ҳозирги пайтда иқтисодиётимизни силкитаётган баъзи молиявий муаммолар эҳтимолини объектив равишда оширди.

Бунда шу даврда жамиятларнинг ўта бой ва жуда камбағалларга кескин қутбланиши, аксарият “Учинчи дунё мамлакатлари”нинг^[7] қашшоқлиги, ривожланган мамлакатларининг мустамлакачилик сиёсати ва бутун қитъаларнинг моддий ва инсон ресурсларидан фойдаланишнинг ваҳший усули билан ҳосил бўлишига ва чуқурлашишига олиб келди. Deviant хулқ-атворнинг ўсиши, одамларнинг соғлигининг ёмонлашиши, аҳолининг умр кўриш давомийлигини қисқартириш, жиноятчилик, коррупциянинг кўпайиши, ҳуқуқий нигилизмнинг кўпайиши, гиёҳванд моддалар савдоси, аҳоли меҳнат қилиш, бепул таълим, маданий тиббиёт ва бошқа ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқларини йўқотди.^[8]

Тўғри, қайсиadir маънода “Учинчи дунё мамлакатлари” тушунчаси 2022 йилда актуал эмас. “Биз янги, тез ўзгарувчан кўп қутбли жаҳон иқтисодиётида яшаяпмиз. Эскирган “биринчи” ва “учинчи” дунёларга, “донор”лар ва “реципиент” давлатларга¹, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлишлар энди бизга мос келмайди”, дейди Жаҳон банки ташкилотлар гурухи президенти Robert Зеллик. Унинг фикрича, ривожланаётган мамлакатлар ҳозирги кунда global тизимнинг ажralmas қисми эканлигини тан олишлари кераклиги ва айнан ривожланаётган давлатлар ривожланган мамлакатлар учун хизмат кўrsatiш ва ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи, ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

НАТИЖАЛАР

Мамлакатимиз озодлигини, иқтисодий мустақиллигини йўқотмасдан бу қийин синовларни енгиб ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон ўттиз йиллик

мустақил тараққиёт йўлида бошидан кечириши лозим бўлган барча қийинчиликлар, муаммолар ва синовларга қарамай, иқтисодиёт динамикаси ва тузилмасида, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда, ижтимоий соҳада, аҳоли турмуш даражаси ва сифатида сезиларли ўзгаришларга эришди.

1-жадвал. (Жаҳон Банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал дан келиб чиқиб ҳисобланган)

| Йиллар | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Кам таъминланган аҳоли улуси | 27,5 | 26,5 | 27,2 | 26,1 | 25,8 | 24,9 | 23,6 | 21,8 | 19,5 | 17,7 |
| Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм | 2377,4 | 3605,6 | 5196,7 | 6490,4 | 7702,3 | 9728,6 | 12954,9 | 16872,7 | 22894,8 | 30862,2 |
| млн.АҚШ долл.:Ташқи савдо айланмаси | 6 212,1 | 6 307,3 | 5 700,4 | 6 689,2 | 8 669,0 | 9 500,1 | 11 171,4 | 15 719,6 | 21 197,3 | 21 209,6 |
| экспорт | 3264,7 | 3170,4 | 2 988,4 | 3 725,0 | 4 853,0 | 5 408,8 | 6 389,8 | 8 991,5 | 11 493,3 | 11 771,3 |
| импорт | 2947,4 | 3136,9 | 2 712,0 | 2 964,2 | 3 816,0 | 4 091,3 | 4 781,6 | 6 728,1 | 9 704,0 | 9 438,3 |
| <i>савдо баланси сальдоси</i> | 317,3 | 33,5 | 276,4 | 760,8 | 1 037,0 | 1 037,0 | 1 317,5 | 1 608,2 | 1 789,3 | 2 333,0 |
| Йиллар | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Кам таъминланган аҳоли улуси | 16,0 | 15,0 | 14,1 | 13,3 | 12,8 | 12,3 | 11,9 | 11,4 | 11,0 | 11,5 |
| Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм | 85933,5 | 104263,0 | 126268,9 | 146392,9 | 169344,3 | 197962,4 | 236893,1 | 300842,7 | 365735,6 | 415085,0 |
| млн.АҚШ долл.: Ташқи савдо айланмаси | 26 365,9 | 26 416,1 | 28 269,6 | 27 530,0 | 24 924,2 | 24 232,2 | 26 566,1 | 33 429,9 | 41 751,0 | 36 256,1 |
| экспорт | 15 021,3 | 13 599,6 | 14 322,7 | 13 545,7 | 12 507,6 | 12 094,6 | 12 553,7 | 13 990,7 | 17 458,7 | 15 102,3 |
| импорт | 11 344,6 | 12 816,5 | 13 946,9 | 13 984,3 | 12 416,6 | 12 137,6 | 14 012,4 | 19 439,2 | 24 292,3 | 21 153,8 |
| <i>савдо баланси сальдоси</i> | 3 676,7 | 783,1 | 375,8 | -438,6 | 91,0 | -43,0 | -1 458,7 | -5 448,5 | -6 833,6 | -6 051,5 |

Мустақиллик йилларида молиялаштириш манбалари ва уларнинг таркибида сифат ўзгаришларини таъминлаш имконини берадиган қулай инвестиция муҳитини яратиш ва фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш мамлакат иқтисодий ривожланишининг энг муҳим омили бўлди. 1990 йилда барча инвестицияларнинг 46,3 фоиздан ортигини давлат бюджети маблағлари ташкил этган бўлса, 2021 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 254 триллион сўмни ташкил этиб, 109 фоизга ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 8,6 млрд долларни ташкил этганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо Вазирлиги матбуот хизмати хабар берди. Ҳисоботда давлат инвестиция дастури доирасида 318 миллиард долларлик 5,9 йирик инвестиция лойиҳаси, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида esa 15 минг 710 миллиард долларлик 7,4 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилганлиги, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса жами 275 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратганлигига асослаб берилди[4].

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 март ҳолатига республикамизда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 13 982 тани ташкил этиб, улардан 13 531 таси фаолият юритмоқда. Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 462 тага ошган. Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони энг юқори бўлган давлатлар: Россия – 2 348 та, Хитой – 1 958 та, Туркия – 1 940 та, Қозогистон – 1 095 та, Корея – 891 та[5].

ХУЛОСА

Барча мамлакатлар интеграциянинг қатъий (бир томонлама нафли) интеграция, тасодифий интеграция, мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция каби турлари ўзига хос тарзда турли хил ва темпда ривожлантиради. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп даражали тизим сифатида бўлиб, уни глобал, трансконтинентал, минтақалараро, минтақавий ва маҳаллий даражадаги интеграцион алоқаларининг ўзига хос вазифалари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий тамойиллари teng ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида қурилиб, унинг қоидалари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга асосланган.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси - [QOMUS.INFO](https://qomus.info/) И харфи.,
<https://qomus.info/>
2. Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳцид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997.
3. Статистический сборник «Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг.».
4. <https://mift.uz/>
5. <https://stat.uz/>
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
7. Страны третьего мира – список из Википедии: | tvercult.ru
8. А.В. Леопа “Глобальный системный кризис: особенности и причины”, стр.16., Научно-технические ведомости СПбГПУ. Гуманитарные и общественные науки 1’ 2012 УДК 130.2:338.124.
9. Алиев, Б. (2022). Таракқиётда ахборотлашув ва рақамли иқтисодиёт. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 933–947. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-933-947>
10. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1171-1182.